УДК: 378:136.1

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА РАҲБАР КАДРЛАР БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АХБОРОТ-МЕТОДИК ТИЗИМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Ғ.Р.Отамуродов

Мақолада бугунги ахборотлар кескин кўпайиб бораётган шароитда таълим тизимига янги технологияларни татбиқ этишнинг самарали йўллари таҳлил қилинган. Таълимда интеграциялашув жараёнлари кечаётган ва илмий-техник тараққиёт даврида малакали кадрлар тайёрлашнинг инновацион тизими шакллантирилаётган шароитда олий таълим сифатини ошириш масалалари ёритилган, бу вазифаларни амалга оширишдаги энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири бўлган раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилган.

Калит сўзлар: *ахборот, технология, раҳбар, компетентлик, интеграция, электрон портфолио*

В статье рассматриваются эффективные и действенные средства внедрения новых технологий в систему образования в условиях резкого увеличения объема информаций. В частности, вопросы повышения качества высшего образования и подготовки высококвалифицированных специалистов в условиях интеграционных процессов и формирования инновационной системы образования и научно-технического прогресса. В качестве наиболее действенного средства считается развитие управленческой компетентности руководящих кадров, и представлены рекомендации по её развитию.

Ключевые слова: *информация, технология, лидер, компетентность, интеграция, электронное портфолио*

Бугунги илмий-техник тараққиёт даврида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётгани ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги таълим тизимига янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда. Таълим мазмунини такомиллаштиришнинг йўналишларидан бири таълим олувчилар учун мустақил таълим олиш имкониятлари, таълимнинг ахборот манбаларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишдан иборатдир.

Таълим-тарбия жараёнларининг асосини юқори сифатли ва юқори ахборот-технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб саналса-да, аммо бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълимда ахборот технологияларини туб маънода жорий этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармонига мувофиқ, раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини янги босқичга кўтариш, уларнинг касбий малакасини оширишнинг замонавий шаклларини ҳамда илмий ва илмий-педагогик фаолият натижаларини инобатга оладиган табақалаштирилган ва муқобил узлуксиз малака ошириш тизимини амалиётга кенг жорий этиш бўйича қатор масалалар илгари сурилган*.

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, замонавий шароитда раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантириш замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган ахборот тизимлари билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу, ўз навбатида, бошқарув компетентлигини ривожлантиришга ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш, замонавий ахборот-методик тизимларини, электрон ахборот таълим муҳитини яратиш ҳисобига эришиш мумкинлигини кўрсатади ва бу йўналишда мақсадли изланишлар олиб бориш заруриятини келтириб чиқаради.

Таълимий мақсадларга йўналтирилган ахборот тизимларининг ривожланишини таҳлил этар эканмиз, бу борадаги дастлабки тадқиқотлар педагог олим И.Г.Филиппова томонидан дастурлаштирилган таълим назарияси билан фанга киритилганига гувоҳ бўламиз. У ўзининг махсус ўқитиш тизимларига асосланган дастурларини

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон Фармони. https://www.lex.uz/docs/4490760

ишлаб чиқиб, қуйидаги дидактик тамойилларни илгари суради:

- кичик қадамлар, яъни таълим олувчиларни ортиқча зўриқишлардан сақлаш мақсадида уларга ўқув материалини кичик ҳажмларда бериб бориш;
- ўқув материалларини ўзлаштиришдаги қийинчиликлар, мураккабликлар даражасининг пастлиги;
- очиқ саволлар;
- жавобларнинг тўғрилигини тезда айтиш ва тасдиқлаш имкониятининг яратилиши;
- мослашувчанлик ва индивидуаллаштириш;
- табақалаштириш;
- ўқитиш ва баҳолаш методлари ва воситаларини танлашга нисбатан ягона ёндошувнинг мавжудлиги [1].

Бизнинг фикримизча, мазкур дидактик тамойилларнинг мослашувчанлик ва индивидуаллик, ёш ва ўзлаштириш даражасидан келиб чиққан ҳолда табақалаштириш билан боғлиқ жиҳатлари олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришдаги муҳим омиллардан саналади.

Тадқиқотчи М.Файзиева ўзининг илмий изланишларида таълимий тизимларнинг масофавий ўқитиш тизимлари, таълимни бошқарув тизимлари (LMS-learning management system) ҳамда мослашувчан веб тизимларини ёритган.

Масофавий ўқитиш тизимлари тармоқ орқали масофадан туриб ишлаш имкониятини беради. Ўқитишнинг ушбу усулида ўқитувчи ва таълим олувчи турли вақтларда, турли нуқталардан туриб тизимга боғланиши мумкин: таълим олувчи ўз компьютерида шуғулланади, ўқитувчи ўз компьютери орқали унинг фаолиятини масофадан туриб назорат қилади. Ўқув материаллари, тестлар, топшириқлар ва натижалар тармоқ серверида жойлашади.

Таълимни бошқарув тизимлари (LMS-learning management system) – бу билим олиш фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган ҳамда мулоқот режимида ишлай оладиган инсон-машина мажмуаси ёки масофавий таълимнинг бир шакли. Бу тизим ўзида назарий материалларни тушуниш осон бўлишлиги учун мисоллар ҳамда эгалланган билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш воситаларини қамраб олади.

Ўқув жараёнига мослашувчи веб тизим – бу шундай ўқитиш тизимики, унинг негизида шахснинг индивидуал хусусиятлари, билими, мустақиллиги, ўқув жараёнининг ўзига хослиги туради. Ўқув жараёнига мослашувчи веб тизим – бу фақатгина таълим жараёнининг сермазмун ахборот таъминоти бўлибгина қолмай, балки таълим жараёни субъектларининг электрон таълим ресурслари билан фаол мулоқоти ҳамда таълим олувчининг ижодий қобилияти, истеъдодини шакллантириш имконияти яратилган педагогик тизимдир [2]. Бизнинг фикримизча, мослашувчан веб тизимларнинг интерактивлиги ва рефлексивлиги ҳам унинг самарадорлигини таъминловчи жиҳатлардан саналади.

Т.Шоймардонов тадқиқотларида педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамда унинг ахборот таъминотни яратишда кўп ахборотли ресурсларнинг тизимли бирлашувини таъминловчи портал технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилади. Тадқиқотчи айнан портал технологиялари асосида малака ошириш жараёнлари сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришиш мумкинлигини, чунки ахборотларни тизимлаштириш ресурслардан фойдаланишни енгиллаштириши, шу билан бирга ахборот порталларининг яратилиши ахборотларни мантиқий тартиблаш ва тизимлаштиришга ёрдам беришини методик жиҳатдан асослайди [3]. Дарҳақиқат, малака ошириш жараёнларидаги ягона портал технологияларини амалиётга жорий этилишининг ижобий жиҳатлари жуда кўп, шу билан бирга таҳлиллардан маълум бўладики, мазкур портал ва ягона ахборот-таълим тизимининг интеграциялаш ва маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш билан боғлиқ томонларини такомиллаштириш зарур.

ЮНЕСКОнинг Таълимда ахборот технологиялари бўйича институти (Москва) нинг тадқиқотларига асосан бугунги кунда ЮНЕСКОнинг мазкур соҳадаги устувор вазифалари сифатида раҳбар ва педагог кадрларнинг АКТ бўйича компетентлик даражасини ошириш, очиқ таълим ресурсларини кенгайтириш ва улардан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш (МООС), шунингдек, раҳбар ва педагог кадрларнинг мустақил таълимини қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ахборот тизимларининг замонавий методик таъминотини такомиллаштириш белгиланган [5]. Дарҳақиқат, бугунги кунда раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришда ахборот технологиялари ва информацион тизимлардан кенг фойдаланиш билан боғлиқ вазифани муваффақиятли амалга ошириш қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида илғор таълим методлари ва шаклларини татбиқ қилиш борасидаги интеграциялашган ахборот тизимларини такомиллаштириш ва амалиётга кенг жорий этишни тақозо этади.

Тадқиқотимиз доирасида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари мазмуни ва унинг ахборот-методик таъминоти “Таълим тизими менежменти” ва “Таълим сифати менежменти” йўналишлари мисолида таҳлил этилди.

Мазкур йўналишдаги курсларнинг ўқув дастур-

лари 2017 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлигини мунтазам орттириб бориш мақсадига йўналтирилган.

Дастурлар мазмунида олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, олий таълим тизимида ўқув-жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш, таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги, бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари, олий таълим муассасаларининг электрон ахборот таълим муҳитини шакллантириш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва бошқарувда оптимал қарорлар қабул қилиш технологиялари, шунингдек, олий таълимда сифат маданиятини ривожлантириш масалалари қамраб олинган.

Шу билан бирга, дастурлар ва мазкур дастурлар асосида яратилган ўқув-методик таъминот мазмунида айнан тадқиқот вазифаларидан келиб чиқувчи раҳбар кадрлар бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий шакл, метод ва воситалари, жумладан, масофавий таълим, вебинар технологиялари, автоматлашган мониторинг, электрон портфолио каби ахборот тизимлари хусусидаги мавзулар тўлақонли акс этмаган.

Эмпирик ўрганишлар жараёнида айнан юқорида келтирилган йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик таъминот асосан анъанавий ёндашув асосида ишлаб чиқилганлиги, бунда электрон таълим ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари, видео, аудио материаллар, шунингдек, интерактив-инновацион технологияларга асосланган масофавий таълим ресурларининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги аниқланди.

Бу, ўз навбатида, тингловчиларнинг мустақил ўз-ўзини касбий ривожлантириш жараёни самарадорлиги ҳамда ўқитиш сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотимиз жараёнида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш, интегралашган ахборот-методик таъминотни яратиш, малака ошириш жараёнларининг ташкил этиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган Интернет тармоғидаги www.bimm.uz портали ҳам таҳлил этилди.

www.bimm.uz – ахборот-таълим портали Бош илмий-методик марказ, олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасаларининг ўзаро алоқасини таъминловчи, турли ахборот ресурсларига кириш имкониятини берувчи, ахборот ва замонавий таълим технологияларини ривожлантирувчи сифатида ахборот-таълим шароитларининг очиқ тизимини яратади. Мазкур портал олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг назорат ва мониторингини олиб бориш ҳамда баҳолаш жараёнларининг шаффофлигини таъминлашга йўналтирилган [7].

Интегралашган ахборот-таълим портали қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни ҳамда педагог кадрларнинг касбий фаолияти мониторингини олиб бориш тизими, масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш платформаси, ўқув жараёнларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар ва бошқа ўқув материлларини мужассамлаштирган электрон кутубхона, педагогнинг касбий кўрсаткичларини қайд этиб борувчи электрон портфолио тизими, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилувчи медиа-вебинар тизимларидан ташкил топган (1-жадвал).

1-жадвал


www.bimm.uz ахборот – таълим порталида мавжуд тизимлар таҳлили

Таркибий қисмлари	Техник ва функционал характеристикаси
mt.bimm.uz	Масофавий қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг онлайн ва оффлайн технологияларга асосланган дастурий платформаси
lib.bimm.uz	Бош илмий-методик марказнинг электрон кутубхонасида ташкил этилган қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув-методик таъминоти: малака талаблари, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-услубий мажмуалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларини ўзида мужассам этган электрон ресурслар базасидир
pf.bimm.uz	Раҳбар ва педагог кадрларнинг мустақил таълими ва касбий фаолият натижаларини ўзида мужассамлаштирувчи, таълим муассасалари раҳбарияти учун ўқитувчиларнинг иш фаолияти унумдорлигини мониторингини олиб бориш имконини берувчи электрон портфолио тизими


monitoring.bimm.uz	Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини бошқариш ва мониторинг олиб боришнинг электрон тизими
media.bimm.uz.	Оммавий очиқ онлайн курслар (мультимедиа маҳсулотлари) ни ўз ичига олган очиқ дастурий таъминот

Эмпирик ўрганишлар натижасида шундай хулосалар шакллантирилди: биринчидан, портфолио тизими – раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини узлуксиз ривожлантиришга хизмат қилувчи замонавий ахборот-методик тизим; иккинчидан, портфолио – раҳбар кадрларнинг мустақил ўзини ўзи касбий ривожлантириш, фаоллигини кенгайтириш, кадрлар ресурсларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг муҳим воситаси; учинчидан, портфолио – рефлексив-баҳолаш кўникмаларини ривожлантириш ва, тўртинчидан, – бошқарув жараёнини лойиҳалаштириш, шахсий ва касбий ривожланиш траекториясини кенгайтириш имкониятини беради.

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг электрон портфолиоси http://pf.bimm.uz ягона ахборот-таълим порталидаги шахсий кабинетида жойлашган бўлиб, мазкур тизимга уч босқичли кириш имкониятига эга, булар фойдаланувчи даражаси, олий таълим муассасалари даражасида ҳамда малака ошириш маркази даражасида (1, 2-расм).



1-расм. Малака ошириш марказининг электрон портфолиоси



2-расм. Раҳбарнинг электрон портфолиоси

Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг фаолият йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда портфолионинг қуйидаги тузилмавий тавсифга эга: ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва ташкилий-методик. Ҳар бир раҳбар кадрларнинг электрон портфолиоси 10 балл (100 баллик тизим) да баҳоланади (2-жадвал). Бунда раҳбар кадрларнинг сўнгги уч йилдаги касбий фаолият кўрсаткичлари эътиборга олинади.

2-жадвал

Олий таълим муассаси раҳбар кадрларининг электрон портфолиосини баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимоти

№	Асосий компонентлар	Баҳолаш	
		балл	%
	Ўқув-методик фаолият натижалари (ишланмалар, ўқув режа ва дастурлар, ЎУМлар, ўқув-методик қўлланмалар ва бошқ.)	3.75	37.5
	Илмий-тадқиқотчилик фаолияти натижалари (мақола, патентлар, сертификатлар, монография, компьютер дастурлари)	3.75	37.5
	Ташкилий-методик фаолият натижалари (талабаларнинг турли кўрик-танловлар, олимпиадалардаги совриндорлиги ва бошқалар.)	2.5	25
	Жами:	**10**	**100**

Тадқиқотимизнинг диагностик босқичида 447 нафар раҳбар кадрларнинг электрон портфолио натижалари таҳлил этилди (3-жадвал).

3-жавдал

Олий таълим муассаси раҳбар кадрларининг электрон портфоло натижалари таҳлили

№	Баллар	электрон портфолиолар сони	%
	9 дан 10 гача	17	3,8
	8 дан 8.9 гача	18	4
	7 дан 7.9 гача	79	17,6
	6 дан 6.9 гача	67	15
	5 дан 5.9 гача	127	28,6
	0 дан 4.9 гача	139	31
	Жами	447	100,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, 31% раҳбар кадрларнинг электрон портфолио кўрсаткичлари 5 баллгача бўлган натижаларни акс эттирмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, бундай кўрсаткичлар асосан 1-5 йилгача иш тажрибасига эга бўлган ёш раҳбар кадрларда учрайди. 5-йилдан 10-йилгача иш тажрибасига эга бўлган раҳбар кадрларда мазкур кўрсаткич 5 дан 7 баллгача (43,6%) бўлган натижаларни, 10 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган раҳбар кадрларда 7 дан 10 баллгача (25,4%) бўлган натижалар аниқланди.

Шу билан бирга, тадқиқотимиз давомида олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг электрон портфолионинг мазмуни, тузилмаси ва у ҳақдаги тушунчаларининг шаклланганлиги билан боғлиқ сўров ўтказилди.


Сўровда иштирок этган респондентлар (раҳбар кадрлар) нинг биринчи категорияси, 45% ида (А индикатор) электрон портфолио билан боғлиқ маълумотлар ва кўникмалар етарлича шаклланмаганлиги аниқланди. Анкета сўрови натижасида улар электрон портфолионинг функцияси, мақсади ва тўлдириб бориш тартибини етарличи эгалламаганликлари аниқланди.

Тадқиқотда қатнашганларнинг иккинчи категорияси, 11% и (В индикатор), ўз ютуқларини, фаолиятидаги ўзгаришларнинг мониторингини амалга оширишни қисман билмаслигини маълум қилган. Бу, ўз навбатида, уларда рефлекция жараёни мураккаб кечаётганлиги билдиради.

Тадқиқотда қатнашганларнинг учинчи категорияси, яъни 17% и (С индикатор) электрон портфолио ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас. “Электрон портфолио деганда нимани тушунасиз?” деган саволга улар “таржимаи ҳолим, иш жойим ва илмий ишларимнинг рўйхати” деган мухтасар

жавобни келтирган. Бу жавобдан кўриниб турибдики, уларнинг касбий компетентлиги тизимида когнитив компонент етарлича шаклланмаган. Уни шакллантириш учун электрон портфолионинг имкониятлари ҳақида аниқ тасаввурни шакллантириб, уни тўлдириш мажбурий эмас, балки ўзларини танитиш ва имижини намоён этиш учун восита эканлигини амалий машғулотлар жараёнида уқтириш талаб этилади. Қуйида келтирилган диаграммада индикатив кўрсаткичлар тарзида олинган натижаларни келтирамиз.

Тадқиқотда қатнашганлар, яъни олий таълим муассасалари бошқарув кадрлари электрон портфолионинг жамловчи қисми ҳақида тасаввурга эга эмаслар. Уларнинг тўртинчи категорияси, яъни 27% и (D индикатор) турли семинар, курс ва ўқув машғулотларида қатнашганликлари ва эришилган натижаларини (ёрлиқ, сертификат ва б.) нима сабабдан жойлаштириш лозимлигини билмайдилар. Бу, ўз навбатида, уларда электрон портфолионинг структураси ва функциялари ҳақида маълумот етишмаслигидан далолат беради (3-расм).



3-расм. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг электрон портфолио ҳақидаги тушунчаларининг шаклланганлиги таҳлили (индикатив кўрсаткичлар мисолида).

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, бугунги кунда олий таълим тизимида жорий этилган электрон портфолио структуравий мазмунга эга бўлиб, ёпиқ тизим тарзида “администратор – мижоз” структурасига эга эмас ва йўналтирувчи вазифани бажара олмайди. Шунинг учун электрон портфолионинг очиқ тизим тарзида амал қилишини таъминлаш долзарб педагогик масала ҳисобланади [9].

Шунингдек, электрон портфолио тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги камчиликлар ҳам кўзга ташланди:

- электрон портфолио тизимининг интегратив характерга эга эмаслиги, яъни маълумотларни ўзаро солиштириш, таққослаш ва узвий алоқадорликда ишлаш, қайта ишлаш ва такомиллаштириш имконининг етарли эмаслиги;

- тизимлилик ва узлуксизлик ҳамда интеграциянинг етишмаслиги. Бунда электрон портфолио кўрсаткичлари раҳбар кадрларнинг нафақат малака ошириш давридаги, балки ОТМ даги фаолияти натижалари, рейтинги ва мустақил ўзини ўзи касбий ривожланиш натижаларини тўлақонли ўзида акс эттирмаслиги;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари мазмунида электрон портфоло билан боғлиқ маълумотлар, медиаишланмалар ҳамда электрон таълим ресурсларининг етарлича эмаслиги кабилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, малака ошириш курсларининг ахборот-методик тизимини такомиллаштиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

1. Олий таълим тизимида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида интеграциялашган ягона электрон-ахборот таълим муҳитини ривожлантириш.

2. Раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган ахборот-методик тизимни ривожлантириш (электрон портфолио тизими, индивидуал таълим траекторияларини ривожлантириш – personal learning environment – PLE, медиаталим воситаларига асосланган инновацион ўқитиш тизимларини амалиётга кенг жорий этиш – smart media - Facebook, Twitter, Flicker, Youtube ва бошқ.).

3. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг илмий-методик таъминотини ривожлантириш (малака ошириш дастурларини такомиллаштириш, ўқув услубий мажмуаларни такомиллаштириш), электрон ўқув нашрларини ва ахборот-таълим ресурсларини яратиш.

4. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг очиқ тизим тарзида электрон портфолиодан фойдаланишлари муваффақиятли кечишининг узвийлигини таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида “Педагогик жараёнлар бошқарувида юқори ахборот коммуникация технологиялари” номли амалий-методик қўлланмалар ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Адабиётлар

1. Филиппова И.Г. Анализ скорости информационных потоков в иерархии управления // ВісникСНУ ім. В. Даля. 2007. –№ 9. –С. 13 – 15.

2. *Файзиева М., Доттоев С.* Таълимни бошқарув тизимлари: тарихий ривожланиш ва истиқболдаги имкониятлар // Замонавий информатиканинг долзарб муаммолари: ўтмиш тажрибаси, истиқболлари илмий-амалий анжуман. – Тошкент, 2016. – Б. 24 – 26.

3. *Шоймардонов, Т.Т.* Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)…дисс. – Тошкент, 2017. – – 158 б.

4. *Туракулов О.Х.* Ахборотлаштирилган таълим муҳитида кичик мутахассислар тайёрлашнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш: Пед.фан.док….дисс. автореферати. –Тошкент, 2017. – 64 б.

5. *Мирсолиева М.Т.* Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан.док. (DcS). …дисс. –Тошкент, 2019. –225 б.

6. *Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А.* Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Тошкент: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

7. *Отамуродов Ғ.Р.* Олий таълим муассасалари таълим сифатини оширишда раҳбар ва педагог кадрлари компетентлигини баҳолашнинг инновацион технологиялари // “Узлуксиз таълим тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малкасини ошриш жараёнларини такомиллаштириш: инновациялар ва истиқболлар”. Илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент, 2018. – Б. 142 – 146.

8. Otamurodov G‘.R. Role of professional development courses in the improvement of competence of the higher educational establishments: headquarters in the field of act // Science and world International scientific journal. – Volgograd, 2017. – №12 (52). – Pp. 58 – 61.

9. Otamurodov G‘.R. Structural-functional role of e-portfolio in assessing professional-pedagogical capacity of administrative cadres of higher educational establishments (HEE) // “European research: innovation in science, education and technology” XLVIII International correspondence scientific and practical conference. January 24-25, 2019. London, United Kingdom.

10. *Базаров Т.Ю., Ермина Б.Е.* Управление персоналом: Учебник для вузов. – Москва: ЮНИТИ, 2002. – 560 с.

ANALYSIS OF INFORMATION AND METHODOLOGICAL SYSTEMS OF DEVELOPMENT OF MANAGEMENT COMPETENCE OF MANAGEMENT PERSONNEL IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT

G. R.Otamurodov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya. Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Pedagogical Research. 2020. 2(46). 91 – 98.

[1]Central Scientific Methodical Centre, Tashkent, 100095, str. Ziyo, 3 (Uzbekistan) E-mail: E-mail: malaka@bimm.uz

Keywords: *information, technology, leader, competence, integration, electronic portfolio.*

The basis of educational and educational processes is a high-quality and high-tech environment. Its creation and development are technically complex, but such an environment contributes to the improvement of the educational system, the introduction of information technologies in education in a radical sense.

While analyzing the etymology of the development of information systems aimed at educational goals, the first research on this subject was conducted by the I.G. Flippova as who was engaged the theory of Education, programmed by her. She develops programs based on her own special education systems, which promote the following didactic principles:

- small steps, that is, giving them training material in small volumes in order to save the educators from excessive strain;
- difficulty in mastering instructional materials, low level of complexity;
- creation of an opportunity to quickly say and confirm the correctness of the answers;
- the presence of a single peer in relation to the choice of teaching and assessment methods and tools.

In our opinion, the aspects of these didactic principles related to stratification due to the level of flexibility and individuality, age and assimilation are considered important factors in the improvement of the manage-

ment competence of the executive bodies of higher educational institutions.

Within the framework of our research, the content of courses on retraining and professional development of senior management personnel of higher educational institutions and its information and methodological support were analyzed by the example of «Education system management» and «Education Quality Management».

The educational programs of the courses in this direction were developed in 2017, that are aimed at improving the content of training and qualification processes on the basis of modern requirements, as well as regularly increasing the management competence of the senior staff of higher educational institutions.

At the same time, the content of programs and educational and methodical supply created on the basis of these programs is not fully reflected in the topics on modern forms, methods and tools of development of management competence of managers arising from research tasks, including information systems such as distance learning, webinar technology, automated monitoring, electronic Portfolio.

In the process of empirical studies, it was found that the educational and methodical Supply developed in exactly the above directions was developed mainly on the basis of the traditional approach, e-learning resources, multimedia products, video, audio materials, as well as distance learning resources based on interactive-innovation technologies were not sufficiently formed.

In its turn, independent self-professional development of the audience has its impact on the effectiveness of the process as well as the quality of teaching.

References

1. Filippova, I.G. (2007) Analiz skorosti informacionnyh potokov v ierarhii upravleniya [Analysis of the speed of information flows in the management hierarchy]. *Visnik SNU.* No.9. Pp. 13-15.

2. Fayziyeva, M., Dottoyev, S. (2016) Ta'limni boshqaruv tizimlari: tarixiy rivojlanish va istiqboldagi imkoniyatlari [Educational management systems: historical development and prospect opportunities]. *Zamonaviy informatikaning dolzarb muammolari: o'tmish tajribasi, istiqbollari ilmiy-amaliy anjuman materiallari* [Materials of scientific-practical conference on the actual problems of modern Informatics: past experience, prospects]. Tashkent, Pp. 24-26.

3. Shoymardonov, T.T. (2017) Pedagog kadrlarmalakasini oshirishi vakasbiyfaoliyatimonitoringini tashkil etishning elektron tizimi [Electronical system of monitoring of upgrading qualification and professional activity of pedagogical staff]. Dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) in pedagogical sciences.Tashkent.

4.Turakulov, O.X. (2017) Axborotlashtirilgan ta'lim muhitida kichik mutaxassislar tayyorlashning ilmiy-metodik ta'minotini takomillashtirish [Improvement of scientific and methodological provision of training of junior specialists in an informed educational environment]. Abstract of dissertation for the degree of doctor of pedagogical sciences. Tashkent.

5. Mirsoliyeva, M.T.(2019) Oliy ta'lim muassasalari rahbar va pedagog kadrlarining kasbiy kompetentligini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish [Improving the mechanisms of development of professional competence of managers and pedagogical staff of higher educational institutions].The dissertation for the degree Doctor of pedagogical Sciences (DSc).Tashkent.

6. Ishmuhamedov, R., Abduqodirov, A., Pardayev, A. (2008) Таълимда инновацион технологиялар [Innovative technologies in education].Tashkent: Iste'dod.

7. Otamurodov, G'.R. (2018) Oliy ta'lim muassasalari ta'lim sifatini oshirishda rahbar va pedagog kadrlari kompetentligini baholashning innovatsion texnologiyalari [Innovative technologies for assessing the competence of managers and pedagogical personnel in improving the quality of education of higher education institutions]. Ilmiy-amaliy anjuman materiallari [Materials of scientific-practical conference]. Tashkent. Pp. 142-146.

8. Otamurodov, G'.R. (2017) Role of professional development courses in the improvement of competence of the higher educational establishments: headquarters in the field of act. *Science and world*. No 12 (52). Pp. 58-61.

9. Otamurodov, G'.R. (2019) Structural-functional role of e-portfolio in assessing professional-pedagogical capacity of administrative cadres of higher educational establishments (HEE). 'European research: innovation in science, education and technology' XLVIII International correspondence scientific and practical conference. January 24-25. London, United Kingdom.

10. Базаров, Т.Ю., Ермина, Б.Е. (2002) Upravlenie personalom: Uchebnik [Personnel management: Textbook]. Moscow: YUNITI.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Отамуродов Ғолибжон Рўзимуродович – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази муҳандис-дастурчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). E-mail:foniy_02_03@mail.ru.